

Сени мендан ким асрай олади?

08:15 / 10.01.2018 2708

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади.

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга Нажд томонга ғазотга чиқдим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ортга қайтганларида мен ҳам бирга қайтдим. Тиканли дарахтлар кўп бўлган водийдалигимизда туш пайти бўлди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам тушдилар. Одамлар дарахтлар тагида соялангани тарқалиб кетишди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бир самура дарахтининг тагига тушдилар-да, қиличларини унга осиб қўйдилар. Бир оз ухладик. Бир маҳал Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизни чақириб қолдилар. Қарасак, олдиларида бир аъробий. У зот: **«Манави ухлаётганимда қиличимни чиқариб олибди. Уйғонсам, (қилич) бунинг қўлида яланғоч экан. У: «Сени мендан ким асрай олади?» деди. Мен уч марта: «Аллоҳ!» дедим»**, дедилар. У зот уни жазоламадилар. У ўтириб қолган эди».

Муттафақун алайҳ.

Бошқа бир ривоятда Жобир розияллоху анху айтдилар:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга Зотурриқоъ ғазотида эдик. Сояли дарахт олдида бордик-да, у ерни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга қолдирдик. Мушриклардан бўлган бир киши келиб, дарахтда осифлик турган Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг қиличларини чиқариб олди-да, «Мендан қўрқяпсанми?» деди. У зот: **«Йўқ»**, дедилар. У киши: «Сени мендан ким тўса олади?» деди. У зот: **«Аллоҳ!»** дедилар.

Абу Бакр Исмоил ўз «Саҳиҳ»ларида: «У киши: «Сени мендан ким тўса олади?» деганида, у зот: **«Аллоҳ»**, дедилар. Шунда у кишининг қўлидан қиличи тушиб кетди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қилични олиб: **«Сени мендан ким тўса олади?»** деганларида, у киши: «Яхши муомалада ушланг», деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига, албатта мен Аллоҳнинг расули эканлигимга гувоҳлик берасанми?»** деганларида, у киши: «Йўқ! Лекин сен билан уришмасликка ва сен билан бирга урушувчи қавмлар билан бирга бўлмасликка аҳд бераман», деганида, у зот уни қўйиб юбордилар. У шериклари ҳузурига келиб, «Одамларнинг энг яхшиси ҳузуридан

келяпман», деди», деганлар.